

---

Ўзбекистон туманида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида замонавий тезликни қайд этувчи қурилма ўрнатилди. Туманнинг **Қудаш қишлоғига** ҳомийлик асосида “Лочинкўз” радар қурилмалари ўрнатилди.

Ушбу ҳудуд **Фурқат ва Бешариқ тумани билан боғлайди** ҳамда ўрта таълим мактаби ва мактабгача таълим муассасалари жойлашган.

Мазкур ҳудудлар аҳоли серқатнов нуқталар бўлиб, ўрнатилган жиҳозлар келгусида йўловчилар иштирокидаги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

***Фарғона вилояти ИИБ Ахборот хизмати***

2023-10-03 15:44:22